

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТКАРИМОВ ХАМИДБЕК ОЛИМБАЕВИЧ**

**ХОРАЗМ ВОҲАСИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИ**  
**(қадимги даврга оид тарихий реконструкция муаммолари)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Маткаримов Хамидбек Олимбаевич**

Хоразм воҳасида археологик тадқиқотлар тарихи (қадимги даврга оид тарихий реконструкция муаммолари).....3

**Маткаримов Хамидбек Олимбаевич**

История археологических исследований в Хорезмском оазисе (проблемы исторической реконструкции древнего периода) .....25

**Matkarimov Khamidbek Olimbayevich**

History of archaeological investigations in Khorezm oasis (problems of historical reconstruction of ancient period).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТКАРИМОВ ХАМИДБЕК ОЛИМБАЕВИЧ**

**ХОРАЗМ ВОҲАСИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИ**  
**(қадимги даврга оид тарихий реконструкция муаммолари)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3. PhD/Tar159 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Сағдуллаев Анатолий Сағдуллаевич</b> тарих фанлари доктори, профессор, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Холматов Нормаммад Ҳрозович</b> тарих фанлари доктори <b>Сулайманов Саламат Арепбаевич</b> тарих фанлари номзоди, доцент
<b>Ўқув ташкилот:</b>	<b>Ажиннёз номидаги Нукус давлат педагогика институти</b>

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 07 кунини соат 8:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, академик Ч.Абдиров кўчаси №1. Тел.: (99361) 223-60-49; fax: (361) 223-60-49. e-mail: [karsu.info@gmail.ru](mailto:karsu.info@gmail.ru).)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (154 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 – уй.)

Диссертация автореферати 2021 йил «07» сентябрь кунини тарқатилди.  
(2021 йил «  » \_\_\_\_\_ даги 3 рақамли реестр баённомаси)



  
**Р.Б. Баллиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

**Х.М.Оттегов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD)

**Б.А. Коцанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида юз бераётган глобаллашув жараёнлари халқлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган стратегик дастурларда маданий меросни сақлаш, цивилизация намуналари, тарихий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, халқаро ҳамкорликнинг чуқурлашувига ва янги кўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмак беради. Мазкур жараёнда археологик тадқиқотлар давомида тўпланган натижалардан фойдаланиш миллий ва умумбашарий қадриятлар ривожига замин яратмоқда.

Дунё миқёсида қадимги даврга оид тарихий реконструкция масалалари бўйича палеоэкология ва инсон фаолияти таъсирида антропоген (маданий) ландшафтнинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий алоқаларни қайта тиклаш, моддий ва маънавий маданият тарихини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, қадимги шаҳарсозлик анъаналари асосида манзилгоҳларнинг замонавий қиёфасини тиклаш ва соҳага доир инновацион усулларни жорий қилиш, фанлараро интеграцияни ривожлантириш каби амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар республикада илм-фан, хусусан, тарих фанининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва долзарб илмий тадқиқотларни ташкил этишга имкон бермоқда. Бу борада ишлаб чиқилган дастурлар Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ҳудуди – қадимги Хоразм тарихини янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил этишни тақозо этади. Зеро, “Хоразм деганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса кўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади”<sup>1</sup>. Шу сабабли қадимги даврга оид маълумотлардан тарихий реконструкция асосида қадимги Хоразм тарихи ва маданий меросини кенг тарғиб қилиш ҳамда воҳанинг Марказий Осиё цивилизациясига кўшган ҳиссасини ёритиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 17 январдаги Ф–5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши ва соҳага оид бошқа норматив-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1147>

хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хоразм мисолида археологик материалларни ўрганиш асосида қадимги даврга оид тарихий реконструкция масалалари XX аср 40 йилларининг охирларида илк бор илгари сурилди. С.П.Толстовнинг монографияларида неолит даври Қалтаминор маданиятини яратган қадимги аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий тизими ва ибтидоий эътиқодларини қайта тиклаш жараёнининг муҳим жиҳатлари ёритиб берилган<sup>2</sup>.

Ўтган асрнинг 50 йиллари биринчи ярмида Хоразм археологик экспедицияси Жанубий Оролбўйи худудларининг инсон томонидан ўзлаштирилиши, Амударёнинг қадимги ўзанлари тарихи бўйича кенг дала тадқиқотларини олиб борди. Натижада палеогеография ва палеоэкология реконструкцияси мавзуларига оид муҳим илмий маълумотлар фанга татбиқ этилди<sup>3</sup>. Я.Ғ.Ғуломов ва Б.В.Андриановнинг монографияларида Жанубий Оролбўйи худудида қадимий суғориш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари ёритилди<sup>4</sup>. Мазкур мавзу М.А.Итинанинг ишларида ҳам кўриб чиқилган<sup>5</sup>. М.Г.Воробьеванинг мақоласида антик даври сопол ҳайкалчалар ва сопол сувдонлар сиртидаги бўртма тасвирлар асосида қадимий хоразмликларнинг эътиқодлари ёритилган<sup>6</sup>.

XX асрнинг 70-80 йилларида антик давр материалларининг таҳлили натижасида Ю.А.Рапопорт томонидан қадимги Хоразмда зардуштийлик дини ва дафн маросимларининг қайта тиклаш жиҳатлари очиқ берилган<sup>7</sup>, шунингдек, А.В. Виноградовнинг асарида неолит даври овчилари ва балиқчиларининг маданияти тарихи ўз аксини топган<sup>8</sup>.

---

<sup>2</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. – 352 с.; ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М. – Л.: АН СССР, 1948. – 328 с.

<sup>3</sup> Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования и заселения // МХЭ. – М., 1960. Вып. 3. – 348 с.

<sup>4</sup> Гуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959. – 324 б.; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – М.: Наука, 1969. – 254 с.

<sup>5</sup> Итина М.А. Древнехорезмийские земледельцы // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 75-86.

<sup>6</sup> Воробьева М.Г. Ранние терракоты древнего Хорезма // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 135-147.

<sup>7</sup> Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма (Оссуарии) // Тр. ХАЭЭ. – М., 1971. Т. VI. – 126 с.

<sup>8</sup> Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья // Тр. ХАЭЭ. – М.: Наука, 1981. Т. XII. – 172 с.

Мустақиллик йилларида М. Мамбетуллаев<sup>9</sup> ва Ғ. Ходжаниязовларнинг<sup>10</sup> диссертацияларида антик даври Хоразм воҳасида шаҳарсозлик маданияти ва ҳарбий истеҳкомларнинг тарихини қайта тиклаш усуллари оид масалалар ёритилган. Б.И. Вайнберг ишларида, янги маълумотларга таянган ҳолда, тарихий география ҳамда қадимги хоразмликлар эътиқодларининг реконструкцияси муаммолари таҳлил этиб берилган<sup>11</sup>.

Археология маълумотларини тарихий нуқтаи назардан талқин қилиш услубидан, қадимги Хоразм давлатчилиги ва ижтимоий-иқтисодий тарихи масалаларига доир монографияда Э.В. Ртвеладзе, В.Н. Ягодин ва С.Б. Болеловлар томонидан ёритилган бандларда фойдаланилган<sup>12</sup>. Бундай ёндашув Д.Ш. Қурбанованинг ишида Хоразм воҳаси қадимги эътиқодларини тиклаш жараёнида<sup>13</sup>, Ҳ. Матякубовнинг тадқиқотида<sup>14</sup> ҳамда Хоразм цивилизацияси тарихига бағишланган ҳаммуаллифликда ёзилган монографияда ўрин олган<sup>15</sup>. Шунингдек, антик даври Хоразм воҳасини ўрганишда археология материалларидан тарихий манба сифатида фойдаланиш усули хорижда чоп этилган ишларда ҳам қўлланилмоқда<sup>16</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, қадимги Хоразм мисолида тарихий реконструкция масалалари илмий йўналиш сифатида ривожланиб бормоқда. Бироқ бу борада айрим масалалар ёритилганлигига қарамасдан уларнинг муҳим жиҳатлари фақат қисман акс эттирилган ва алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университети ҳамда Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ОТ-Ф1-91 рақамли «Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

<sup>9</sup>Мамбетуллаев М. История и культура Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в. до н.э. – в IV в.н.э.): Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз, 1994. – 57 с.

<sup>10</sup> Ходжаниязов Ғ.К. Фортификация древнего Хорезма (VI в. до н.э. – IV в.н.э.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Нукус: ККО АН РУз, 1996. – 20 с.

<sup>11</sup> Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. – М.: ИВЛ, 1999. – 356 с.; ўша муаллиф. Реконструкция верований древних хорезмийцев по археологическим материалам // Калалыгыр 2. Культурный центр в Древнем Хорезме IV-II вв. до н.э. – М.: ИВЛ РАН, 2004. – С. 213-236.

<sup>12</sup> Хорезм в истории государственности Узбекистана / Ответ. ред. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. – Ташкент. «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2013. – С.14-48, 72-85.

<sup>13</sup> Қурбанова Д.Ш. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – Б. 130-144.

<sup>14</sup> Матякубов Ҳ. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2017. – Б. 101-121.

<sup>15</sup> Кдырниязов М.–Ш., Ягодин В.Н., Мамбетуллаев М.М., Сагдуллаев А.С., Кдырниязов О.Ш. История цивилизации Хорезма. – Нукус: Qaraqalpaqstan, 2017. – С. 39-48.

<sup>16</sup> Helms S.W., Yagodin V.N. Excavations at Kazakliyatgan in Tashkirman Oasis of Ancient Chorasmia: A preliminary Report // Iran, 1997. Vol. 35. – P. 43-65; Helms S.W., Yagodin V.N., Betts A., Khozhaniyazov G., Kidd F. Five Seasons of Excavations in the Tash – Kirman Oasis of Ancient Chorasmia, 1996-2000 // Iran, 2001. Vol. 39. – P. 119-144; Betts A.V., Yagodin V.N., The Fire Temple at Tash-kirman-tepe, Chorasmia // In After Alexander: Central Asia before Islam. – Oxford, 2007. – P. 435-454.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Хоразм воҳасида археологик тадқиқотлар тарихи ва қадимги давр (милодий V асрга қадар) тарихий реконструкцияси муаммоларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Хоразм воҳасида қадимги даврга оид археологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ва тарихшунослигини ёритиб бериш;

Жанубий Оролбўйи ҳудудларида энг қадимги даврдан бошлаб, илк ўрта асрларга қадар инсон фаолияти таъсирида антропоген ландшафтнинг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш;

Хоразмнинг неолит ва бронза даврлари тарихий реконструкцияси масалаларини ёритиш;

Жанубий Оролбўйи илк темир даври тарихини қайта тиклаш жихатларини кўрсатиб бериш;

Хоразм цивилизациясининг тарихий-маданий белгиларини аниқлаш; антик даври ижтимоий-иқтисодий тизимининг реконструкцияси масалаларини очиб бериш;

Хоразм воҳасининг қадимги мифологияси ва дин тарихини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм воҳасида археологик тадқиқотлар тарихи ва қадимги даврга оид тарихий реконструкция муаммолари белгилаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Жанубий Оролбўйи ҳудудларида антропоген ландшафт ва тарихий-маданий жараёнларнинг ривожланиш хусусиятлари, неолит, бронза ва илк темир даврлари ҳамда қадимги Хоразм цивилизацияси тарихининг реконструкция масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фанлараро ёндашувга асосланган ҳолда, масала тарихшунослигини ўрганиш, тарихий-қиёсий таҳлил, илмий маълумотларни умумлаштириш, холислик тамойили каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

тарихий реконструкция жараёнида Хоразм воҳасидаги қадимги давр уруғ жамоаларининг турмуш тарзи, хўжалик шакллари ҳамда ижтимоий белгиларини аниқлашда табиий муҳит билан бирга моддий маданият ашёлари, палеофауна ва флора қолдиқлари асос бўлганлиги исботланган;

мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан Хоразм воҳасида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг вужудга келиши натижасида, воҳа аҳолисининг ҳудудий жойлашиш чегараларининг кескин ўзгариши ва Оқчадарё ўзани тармоқлари бўйлаб кўпсонли манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши ҳудуднинг антропоген ландшафт ривожига ижобий таъсир қилганлиги далилланган;

тарихий реконструкция натижасида воҳада мил. авв. VII–VI аср ўрталарида «Қадимги Хоразм подшолиги»нинг мавжудлиги ёхуд Хоразмнинг Ўрта Осиёда сиёсий етакчилиги (Парфия, Ария, Марғиёна ва Суғдни бирлаштирган «Катта Хоразм» назарияси) ёзма ва археология

маълумотларида ўз аксини топмаганлиги ҳолати ва Хоразм подшолигининг илк бор мил. авв. IV асрда вужудга келиш жараёни исботлаб берилган;

марказлашган давлат – Хоразм подшолигининг мил. авв. IV – милодий III асрлар антик даврда шаклланиши ва ривожланиши, ихтисослашган қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик соҳалари, савдо-сотик ва иқтисодий коммуникациялар, шаҳарсозлик ва меъморчилик, моддий ва маънавий маданият, қадимги Хоразм ёзуви ва тасвирий санъат тараққиётининг юқори даражасини белгилаб берувчи бош омил бўлганлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диссертацияда неолит, бронза ва илк темир даврлари ҳамда Хоразм цивилизациясининг тарихий реконструкцияси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган;

Хоразм воҳаси қадимги даврига оид тарихий ва археологик маълумотлар асосида антропоген ландшафт ва тарихий-маданий жараёнларнинг ривожланиш масалаларига оид услубий ва назарий ёндашувлар такомиллаштирилган;

тарихий реконструкцияга оид натижалардан фанлараро (тарих, археология, манбашунослик, тарихий география ва картография) тадқиқотларда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тарих фанида эътироф этилган усуллар қўлланганлиги, асл манбалар, илмий адабиётлар ва замонавий ёндашувлардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қадимги тарихнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларини ўрганишда янгича назарий қарашлардан фойдаланиш, тарихий тадқиқот усуллари такомиллаштириш ва тарих фанини янада ривожлантиришга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда умумлаштирилган маълумотлардан олий ўқув юрти талабалари учун тарих фанидан монография, янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда, шунингдек, ўлка музей экспозицияларини бойитиш ҳамда моддий-маданий меросни тарғиб қилишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хоразм воҳасида археологик тадқиқотлар тарихи масаласини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва хулосалар асосида:

марказлашган давлат – Хоразм подшолигининг мил. авв. IV – милодий III асрлар антик даврда шаклланиши ва ривожланиши, моддий ва маънавий маданият, қадимги Хоразм ёзуви ва тасвирий санъат тараққиётининг юқори даражасини белгилаб берувчи бош омил бўлганлиги каби маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йилга мўлжалланган режасининг моддий-маданий мерос объектларини реставрация қилиш бандида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 2 июндаги 01-12-14-2168-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Хива шаҳридаги моддий-маданий мерос объектларини қайта тиклаш жараёнига илмий ёндашувларни жорий этиш имконини берган;

тарихий реконструкцияси натижасида Хоразм воҳасида мил. авв. VII–VI аср ўрталарида «Қадимги Хоразм подшолиги»нинг мавжудлиги ёхуд Хоразмнинг Ўрта Осиёда сиёсий етакчилиги («Катта Хоразм» назарияси) ёзма ва археология маълумотларида ўз аксини топмаганлиги ва Хоразм подшолигининг илк бор мил. авв. IV асрда вужудга келиши тўғрисидаги хулосалардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида (2017-2020 йй.) бажарилган ОТ-Ф1-029 «Ўзбек давлатчилиги тарихида суғдий тил ва ёзувнинг тутган ўрни (милоддан аввалги II – милодий XII асрлар)» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги №89-03-5611 маълумотномаси). Тадқиқот натижалари суғдий ёзув намуналари тарқалган ҳудудлар классификациясини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

тарихий реконструкция жараёнида Хоразм воҳасидаги қадимги давр уруғ жамоаларининг турмуш тарзи, хўжалик шакллари ҳамда ижтимоий белгиларини аниқлашда табиий муҳит билан бирга меҳнат қуроллари, палеофауна ва флора қолдиқлари асос бўлганлиги ва мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан Хоразм воҳасида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг вужудга келиши натижасида, воҳа аҳолисининг ҳудудий жойлашиш чегараларининг кескин ўзгариши ва Оқчадарё ўзани тармоқлари бўйлаб кўпсонли манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши ҳудуднинг антропоген ландшафт ривожига ижобий таъсир қилганлиги ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston tarixi» телеканалида «Xayrlitong» дастурининг 2019 йил 29 ноябрда Хоразм тарихига бағишланган кўрсатув сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг 2020 йил 29 июлдаги 02-40-746-сон маълумотномаси). Олинган натижалар телетомошабинларнинг Қадимги Хоразм воҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва шартли қисқартмалар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 143 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиқ берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Хоразм воҳасида қадимги даврга оид археологик тадқиқотларнинг босқичлари**» деб номланган. Унинг 2 та параграфида XX асрнинг 30-80 - йилларида археологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ва XX асрнинг 90 - йиллари – XXI аср бошлари тадқиқотларининг тарихшунослиги таҳлил қилинган.

Хоразм воҳасида археологик тадқиқотларнинг бошланишига қадар Жанубий Оролбўйи қадимги тарихи ва маданиятига доир айрим маълумотлар XIX асрнинг сўнгги чорагида ва XX аср бошларида чоп этилган ишларда ўз аксини топган<sup>17</sup>.

1936 йили Я.Ф. Ғуломов томонидан амалга оширилган археологик тадқиқотлар ва шу йили С.П. Толстов раҳбарлигида Хоразм археология экспедициясининг ташкил этилиши тарих фани соҳасида катта воқеа бўлди.

Хоразм экспедициясининг дастлабки археологик қидирув ишлари натижасида, 1937-1940 йиллар мобайнида, турли даврларга оид ёдгорликлар кашф этилган<sup>18</sup>. Шу боис қадимги Хоразм маданияти, ҳунармандчилик, меъморчилик ва тасвирий санъат соҳаларига тегишли фанда номаълум бўлган материаллар алоҳида маданий мажмуалар сифатида (неолит даври Калтаминор маданияти, бронза даври Тозабоғёб ва Амиробод маданиятлари, архаик ва антик даври ёдгорликлари) илмий муомалага киритилди<sup>19</sup>.

---

<sup>17</sup> Sachau E. Zur Geschichte und chronologie von Khwarizm // Sitzungsberichte der philosophischen Classe der kais. Akademie der Wissenschaften. – Wien, 1873. – S.473; Kiepert H. Lehrbuch der alten Geographie. – Berlin 1878. – S. 60 – 62; Tomaschek W. Chorasmia // Pauly's Real Encyclopaedie der klassischen Altertums wissenschaft. Bd. 3. –Stuttgart, 1894. – S. 240; Кун А.Л. Культура низовьев Амударьи // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1876. Вып. IV. – С. 237-257; Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. От древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877; Иностранцев К.А. О домусульманской культуре Хивинского оазиса. – СПб., 1911. – С. 2-29.

<sup>18</sup> Толстов С.П. Хорезмская экспедиция (предварительный отчет) // КСИИМК. – М., 1940. Вып. VI. – С. 70–79; ўша муаллиф. Древности Верхнего Хорезма (Основные итоги работ Хорезмской экспедиции ИИМК. 1939 г.) // ВДИ. – М., 1941. №1. – С. 155–184; Тереножкин А.И. Археологические разведки в Хорезме // СА. – 1940. Т. VI. – С. 168-189.

<sup>19</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. –352 с.; ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М. – Л.: АН СССР, 1948. – 328 с.

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб, Хоразм археологик экспедициясининг тадқиқотларида Қуйи Амударё, Сарикамиш ва Амударёнинг Ўзбой ўзани сарҳадларининг ўзлаштирилиши, қадимги сунъий суғориш тизими ва деҳқончилик воҳаларининг ривожланиш жараёнларини очиб бериш, шаҳарсозлик маданияти, меъморчилик, бадий маданият, ёзув ва дин тарихини ўрганиш каби фундаментал илмий йўналишлар муҳим аҳамият касб этган.

Диссертацияда бронза даври манзилгоҳлари (Анқа, Қават 3, Кўкча, Яккапарсон 2)<sup>20</sup>, илк темир даври қалъалари ва уй-қўрғонлари (Кўзалиқир, Дингилжа)<sup>21</sup> ҳамда антик даври ёдгорликларида (Қалъалиқир 1, 2, Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа)<sup>22</sup> амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари очиб берилган.

1957 йилда Я.Ғ. Ғуломовнинг Хоразм суғорилиш тарихига бағишланган фундаментал монографияси нашр қилинди<sup>23</sup>. 1950-1956 йиллар мобайнида Хоразм экспедициясининг илмий изланишларида Амударёнинг қадимий ўзанларини ўзлаштириш тарихи масалаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этди<sup>24</sup>.

XX аср 60 - йиллари бошларида Хоразм ўтмишининг қадимги даврига оид археологик тадқиқотларнинг асосий натижалари С.П. Толстовнинг монографиясида ёритилди<sup>25</sup>. Шу йиллари ва ўтган асрнинг 70-80 йилларида қадимги Хоразм тарихини даврлаштириш, воҳа худудларини инсон томонидан ўзлаштирилиш хусусиятлари, меъморчилик ва бинокорлик усуллари, хўжалик шакллари, моддий маданият ва шаҳарсозликнинг ривожланиши, иқтисодий-маданий алоқалар каби муҳим масалалар очиб берилди. Бу борада А.В. Виноградов (неолит даври), М.А. Итина (бронза даври), М.Г. Воробьева, О.А. Вишневская, Б.И. Вайнберг, Л.Т. Яблонский (илк темир асри, архаик даври), Л.М. Левина, Е.Е. Неразик (антик даври) тадқиқотлари катта аҳамиятга эга<sup>26</sup>. Шу қаторда дин тарихи (Ю.А. Рапопорт)

<sup>20</sup> Итина М.А. Новые стоянки Тазабагыбской культуры (работы 1956 г.) // МХЭ. – М., 1959. Вып. 1. – С. 52–150; ўша муаллиф. Раскопки стоянки Тазабагыбской культуры в 1957 г. // МХЭ. – М., 1960. Вып. 4. – С. 82–103; Итина М.А. Поселение Якке–Парсан 2 (раскопки 1958–1959 гг.) // МХЭ. – М., 1963. Вып. 6. – С. 107–129;

<sup>21</sup> Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. ... – С. 93–109; Толстов С.П. Хорезмская археолого–этнографическая экспедиция 1955–1956 гг. // СА. – М., 1958. №1. – С. 106–133.; Воробьева М.Г. Раскопки архаического поселения близ Дингильже // МХЭ. – М., 1959. Вып. 1. – С. 70–80.

<sup>22</sup> Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб... Б. 189–191; ўша муаллиф. Работы Хорезмской археолого – этнографической экспедиции 1951–1954 гг. // Вопросы истории. – М., 1955. №3. – С. 176–177.

<sup>23</sup> Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1957. – 313 с.; ўша муаллиф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959. – 324 б.

<sup>24</sup> Толстов С.П., Кесь А.С. История первобытных поселений на протоках древних дельт Аму–Дарьи и Сыр–Дарьи // Вопросы географии. – М. – Л., 1956. – С. 327–336.; Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования и заселения // МХЭ. – М., 1960. Вып. 3. – 348 с.

<sup>25</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ., 1962. – 324 с.

<sup>26</sup> Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХЭ. – М., 1968. Вып. 8. – 178 с.; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – М.: Наука, 1969. – 261 с.; Воробьева М.Г. Дингильдже. Усадьба середины I тысячелетия до н.э. в Древнем Хорезме // МХЭ. – М., 1973. – 220 с.; Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан. Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов // МХЭ. – М., 1975. Вып. 10.; Итина М.А. История степных племён Южного Приаралья (II–начало I тысячелетия до н.э.) // Тр. ХАЭЭ. – М., 1977. Т. X. – 240 с.; Левина Л.М. Елхарас // Древности Южного Хорезма. Тр. ХАЭ. – М., 1961. Т. XVI. – С 80–140.; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I–XIV вв.). Из

ва санъатшунослик йўналишлари ривожланди ҳамда нумизматика ва тарихий-лингвистик тадқиқотлар (Б.И. Вайнберг, В.А. Лившиц) амалга оширилди<sup>27</sup>.

Оролбўйи сарҳадларида жойлашган қадимги ёдгорликларни ўрганиш бўйича Қорақалпоғистон археологлари В.Н. Ягодин ва Е. Бижановнинг ишлари диққатга молик<sup>28</sup>. Шунингдек, М.М. Мамбетуллаев, Ю.П. Манилов, Н. Юсупов, Г. Ходжаниязов ва Д. Дурдиевларнинг тадқиқотларини тилга олиш лозим<sup>29</sup>.

XX асрнинг 90 – йилларида илмий маълумотлар қадимги Хоразм тарихи, маданияти ва динига бағишланган диссертациялар, мақолалар ва алоҳида монографияларда талқин қилинган<sup>30</sup>. Мазкур даврда қадимги Хоразм тарихига оид С.П. Толстов ва Хоразм археологик – этнография экспедицияси ходимлари томонидан ўз пайтида илмий муомалага киритилган баъзи бир илмий қарашлар ва назарияларнинг қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёни бошланди. Жумладан, Тозабогёб маданияти ривож топган бронза даврида Қуйи Амударё худудларида йирик сунъий суғориш тизимининг вужудга келиши ҳақидаги ғоя (С.П. Толстов, Б.В. Андрианов, М.А. Итина) инкор этилди, мил. авв. VII асрга келиб, Хоразм воҳасида «хоразмликлар – саклар» маданиятининг шаклланиши тўғрисида масала илгари сурилди<sup>31</sup>.

Ўтган асрнинг 90 - йиллари ва XXI аср бошларида Қуйи Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилидаги худудлардаги қадимги ёдгорликларда олиб борилган археологик қазилар ишлари Хоразм тарихи ва маданиятига доир илмий

---

истории жилища и семьи // Тр. ХАЭЭ. – М., 1976. Т. IX. – С. 13–57.; Вишневская О.А. Раскопки на городище Кюзели–гыр // АО 1971. – М.: Наука, 1972. – С. 533–534.; Вайнберг Б.И. Новая культура раннего железного века в левобережном Хорезме // АО 1971. – М.: Наука, 1972. – С. 530–531.; ўша муаллиф. Новые памятники Куясайской культуры в Северной Туркмении // АО 1974. – М.: Наука, 1975. – С. 518–519.; Яблонский Л.Т. Исследование могильника Сакарчага I // АО 1981. – М.: Наука, 1983. – С. 482–483.

<sup>27</sup> Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма (оссуарии) // Тр. ХАЭЭ. – М., 1971. Т. VI. – 126 с.; Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. – М.: Наука, 1977. – 194 с.; Лившиц. Документы. Топрак-кала. Дворец // Тр.ХАЭЭ. – М., 1984. Т. XIV. – С. 268–269.

<sup>28</sup> Ягодин В.Н. Археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Амударьи // МХЭ. – М., 1963. Вып. 7 – С. 90–97; Бижанов Е., Виноградов А.В. Неолитические памятники Каракалпакского Устюрта // Вестник ККФ АН УзССР. – Нукус, 1965, № 3. – С. 63–70; Бижанов Е. Юго–восточный Устюрт: некоторые итоги и перспективы археологического изучения // Вестник ККФ АН УзССР. – Нукус, 1965. № 3. – С. 54–57.

<sup>29</sup> Мамбетуллаев М., Юсупов Н. Археологические работы в Хорезмской области // А О 1973. – М.: Наука, 1974. – С. 483; Дурдыев Д. Археологические исследования на территории Ташавузской области в 1970–1972 гг. // Каракумские древности. – Ашхабад, 1977. Вып. V. – С. 136–139; Юсупов Х. Новые археологические материалы с верхнего Узбоя // Каракумские древности. – Ашхабад, 1979. Вып. VIII. – С. 6–26; Мамбетуллаев М., Маньлов Ю.П., Юсупов Н., Ходжаниязов Г. Исследования в Хорезмской области // АО 1974. – М.: Наука, 1975. – С. 505–506.

<sup>30</sup> Мамбетуллаев М. История и культура Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в. до н.э. – IV в.н.э.): Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз, 1994. – 57 с.; Рапопорт Ю.А. Религии древнего Хорезма. Некоторые итоги исследований // Этнографическое обозрение. – М., 1996. – №6. – С. 72–75; Ходжаниязов Г.К. Фортификация древнего Хорезма (VI в. до.н.э. – IV в.н.э.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Нукус: ККО АН РУз, 1996. – 20 с.; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996. – 185 с.; Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели–гыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. – М, 1997. – № 2. – С. 150 – 173; Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: ИВЛ РАН, 1998. – С. 28–41.

<sup>31</sup> Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели–гыр... – С. 150–151; Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма... – С. 29–30.

ахборот доирасини анча кенгайтириб юборди. Янги тадқиқотларнинг натижалари М.М. Мамбетуллаев, Ғ.Ходжаниязов, Қ. Собиров, Р. Абдиримов, С.Б.Болелов, С.Р.Баратов, Ш.Матрасулов, М.Мадаминов ва С. Рўзметовларнинг ишларида ўз аксини топди<sup>32</sup>. Шунингдек, хорижий археологлар билан ҳамкорликда Акчахонқалъада амалга оширилган қазишмалар натижасида, Тупроққалъадаги сингари сарой-ибодатхона ўрганилган. Ибодатхонанинг ички йўлак деворлари рангасвирлар билан безатилган<sup>33</sup>. Мазкур кашфиётлар ҳақидаги маълумотлар хорижда ҳам эълон қилинган<sup>34</sup>.

М. Мамбетуллаев ва Е.Е. Неразик мақолаларида антик даври Хоразм шаҳарлари – Бозорқалъа, Хива, Катта Ойбўйирқалъа, Қаватқалъа, Хазорасп ва бошқалар тўғрисида муҳим маълумотлар ёритилиб, уларнинг меъморчилик ва бинокорлик хусусиятлари ҳамда воҳа урбанизацияси жараёнларидаги ўрни ва аҳамияти очиқ берилган<sup>35</sup>. Хоразм мудофаа иншоотлари тарихи, қуролланиш ва ҳарбий соҳа масалалари М.Р. Мадаминов, Ғ. Ходжаниязов ва Қ. Собировнинг алоҳида тадқиқотларида умумлаштирилди<sup>36</sup>.

Бир қатор олимлар – О.А. Вишневская, Ю.А. Рапопорт, А.А. Асқаров, В.Н. Ягодин, Э.В. Ртвеладзе, Н. Эгамбердиева, С.Б. Болелов, С.Р. Баратов ва Ҳ. Матякубовларнинг тадқиқотларида Қуйи Амударё ҳудудларида илк давлатчиликнинг вужудга келиши, «хорасмийлар» элатининг дастлабки ватани ва «Катта Хоразм» муаммоси, миграциялар ва этномаданий жараёнлари масалаларига доир янги фикр-мулоҳазалар ўз аксини топган<sup>37</sup>.

<sup>32</sup> Мамбетуллаев М. Раскопки оборонительных сооружений Хивы // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1992; ўша муаллиф. Археологическое обоснование возраста Хивы // Хива – жемчужина мировой цивилизации-Ташкент: Узбекистан, 1997. – С. 7-18; Ходжаниязов Ғ., Хақимниязов Ж. Городище Девкесген – Вазир, – Нукус: Билим, 1997; Болелов С.Н. Некоторые итоги археологических работ на Хумбуз – тепе // ОНУ, 1999. № 9-10. – С. 85-90; Баратов С., Матрасулов Ш., Мадаминов М. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане 2002 г. – Ташкент, 2003. Вып. 3. – С. 38-45; Болелов С.Б. Крепость Аязкала – 3 в правобережном Хорезме // Приаралье в древности и средневековье. – М., 1998. – С. 117-34; Собиров Қ., Рузимов С. Археологические работы в Хазараспе // Вестник ККО АН РУз. № 1. – Нукус, 2001. – С. 52-53.

<sup>33</sup> Ходжаниязов Ғ.Х., Ягодин В.Н., Хелмс С.У., Маркларен Б.К. Раскопки на Акшаханқалъа // Археологические исследования в Узбекистане в 2000 г. – Самарканд, 2002. – С. 175-180; Ходжаниязов Ғ., Хелмс С.У., Снеддон Э. Археологические исследования на городище Акшаханқала в 2001 г. // Археологические исследования в Узбекистане в 2001 г. – Ташкент, 2002. – С. 165-167; Ягодин В.Н., Ходжаниязов Ғ., Статов В.А. Внешняя стена городища Казакли – Яткан // Ўзбекистон тарихи моддий ва ёзма манбаларда. – Тошкент: Фан, 2005. – С. 172-178.

<sup>34</sup> Helms S.W., Yagodin V.N. Excavations at Kazakliyatgan in Tashkirman Oasis of Ancient Chorasmia: A preliminary Report // Iran, 1997. Vol. 35. – P. 43-65; Kidd F., Negus M., Yagodin V.N., Betts A. Ancient chorasmian Mural Art // Bulletin of the Asia Institute, 2004. Vol. 18. – P. 69-95.

<sup>35</sup> Мамбетуллаев М. Социально – экономические и политические факторы возникновения и развития городов Хорезма эпохи античности // ИМКУ. – Самарканд, 2002. Вып. 33. – С. 126-131; Неразик Е.Е. Древние города Хорезма и пути их развития (IV в. до. н.э. – IV в.н.э.) // Центральная Азия. Источники, история, культура. – М.: ИВЛ РАН, 2005. – С. 543-561.

<sup>36</sup> Мадаминов М.Р. Қадимий ва ўрта аср Хоразм пойтахт қалъалари ва уларнинг қурилиши тарихи: Тарих фан. номз. дисс... автореф. – Нукус: ЎзФА Қорақалпоқ бўлими тарих, археология ва этнография Институтини, 2004; Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2007. – 216 б.; Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Тошкент: Фан, 2009. – 195 б.

<sup>37</sup> Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. – М., 1997. – №2. – С.150-173; Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янги қарашлар ва ёндошувлар. – Тошкент, 2004. – Б. 76-84; Ягодин В. Генезис и

Умуман олганда Хоразм воҳасида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижаларининг аҳамияти, қадимги давр маданияти ва тарихига доир билимлар динамикаси, тарихшуносликда мавжуд мунозарали масалаларнинг жиҳатлари қайд этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Жанубий Оролбўйи худудларида антропоген ландшафт ва тарихий-маданий жараёнларнинг ривожланиши**» деб номланган. Унинг «**Палеогеография ва антропоген ландшафтнинг ривожланиши**» сарлавҳасидаги биринчи бандида Жанубий Оролбўйи худудларининг географик ўрни, Қуйи Амударёнинг қадимий ўзанлари (Оқчадарё, Сарикамишбўйи ва Оролбўйи) ҳавзаларининг инсон томонидан тош давридан бошлаб ўзлаштирилиши ва антропоген (маданий) ландшафтнинг ривожланиш босқичлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотда Оролбўйи сарҳадларининг ўзлаштирилиши Устюрт чинкидан палеолит – қадимги тош даврида бошланганлиги<sup>38</sup>, шунингдек, Амударё ўнг соҳилидаги Султон Увайс тоғи тизмаси теварагида сўнгги палеолит ва мезолит даврларига мансуб меҳнат қуролларининг топилиши<sup>39</sup>, Оқчадарё ҳавзасида кўплаб неолит даври ёдгорликларининг ўрганилиши қайд этиб ўтилган. Бу даврда антропоген ландшафтнинг ривожланиши ўзлаштирувчи хўжаликлар (термачилик, овчилик, балиқчилик) билан шуғулланган уруғ жамоаларининг ўз яшаш жойларини алмаштириб юриши сабабли мавсумий кўчиш жараёни билан боғланган. Бироқ неолит даври овчилари ва балиқчиларининг атроф-муҳитга хўжалик таъсири табиатда мавжуд маҳсулотларни ўзлаштириш билан чекланган.

Бронза давридан бошлаб (мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари) Хоразм воҳасида ишлаб чиқарувчи хўжаликлар (чорвачилик ва дехқончилик) вужудга келиши натижасида, воҳа аҳолисининг худудий жойлашиши чегаралари кескин ўзгариб борган ва Оқчадарё ўзани тармоқлари бўйлаб кўпсонли манзилгоҳлар пайдо бўлган<sup>40</sup>. Диссертацияда антропоген ландшафт ривожига таъсир қилган омиллар очиб берилган.

---

ранние этапы развития древнехорезмской государственности // *Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти*. – Тошкент, 2002. – С. 128-129; Эгамбердиева Н. Археологические и археографические исследования истории деревенного Хорезма: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Нукус: Институт истории, археологии и этнографии ККО АН РУз, 2001. – 20 с.; Болелов С.Б. Хорезм в раннем железном веке (этапы становления древнеземледельческой цивилизации в низовьях Амударьи) // *Евразия: этнокультурное взаимодействие и исторические судьбы*. – М., 2004. – С. 157 – 160; Баратов С. Некоторые проблемы археологических исследований деревенных культур Хорезма // *O'zbekiston tarixi*, 2007. – №4. – С. 33; Ртвеладзе Э.В. Государственное объединение «Большой Хорезм» – миф, созданный ученым или историческая реальность? // *Хорезм в истории государственности Узбекистана*. – Ташкент, 2013. – С. 30-44; Матякубов Х. Қадимги хоразмликларнинг келиб чиқиши ҳақидаги илмий қарашлар // *Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар: назария ва амалиёт*. – Тошкент, 2013. – Б. 81-84.

<sup>38</sup> Бижанов Е.Б. О находках памятников каменного века в районе впадины Шахпахты на Устюрте // *Вестник ККО АН Уз*. Вып №1. – Нукус, 1983. – С. 65–68.

<sup>39</sup> Виноградова Е.А. Первые палеолитические находки в Султануиздаге // *Приаралье в древности и средневековье*. – М.: Наука, 1998. – С. 74–77.

<sup>40</sup> Итина М.А. К истории изучения бронзового века Южного Приаралья // *Приаралье в древности и средневековье*. – М.: ИВЛ РАН, 1998. – С. 78-90.

Антик даврда (мил. авв. IV-III асрлар) сунъий суғориш – ирригация тизимининг кенгайиб бориши ва шаҳарсозлик – урбанизация жараёнлари натижасида қишлоқ хўжалик ва сунъий суғориш тармоқлари ландшафти, хунармандчилик ишлаб чиқариш марказлари ва алоқа йўллари ландшафти кенг ҳудудларда ривож топган.

Диссертацияда инсоннинг кўп асрлар мобайнидаги хўжалик фаолияти натижасида Оролбўйида ерларнинг чўлланиши ва шўрланиши, экологик муаммоларнинг юзага келиши сабаблари очиб берилган.

*Иккинчи бобнинг «Неолит ва бронза даврлари тарихий реконструкцияси масалалари»* бандида мазкур мавзунинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий реконструкция жараёнида Хоразм воҳасида неолит даври Қалтаминор маданияти жамоаларининг турмуш тарзи, хўжалик шакллари ҳамда ижтимоий белгиларини аниқлашда табиий муҳит, географик шароит, маконларнинг ҳудудий жойлашув хусусиятлари, меҳнат қуроллари ва уй-жойларнинг катта-кичиклиги, палеофауна ва флора қолдиқларини ўрганиш катта аҳамият касб этган<sup>41</sup>.

Тадқиқотда қалтаминорликлар жамоаларининг ижтимоий-иқтисодий белгиларига кўра қон-қариндошлик тамойиллари, умумий турар жойлар, меҳнат қуроллари ва турмуш тарзи бирлаштиргани ҳамда ўзлаштирувчи хўжалик шаклларига асосланган ибтидоий жамоа тузумига хос маданий анъаналарнинг хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Бронза даврида (Тозабоғёб ва Амиробод маданиятлари) чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида Хоразм воҳасининг ижтимоий-иқтисодий тизимида ўзгаришлар юзага келиб, аҳолининг ҳаётида турли маданий янгиликлар намоён бўлган<sup>42</sup>. Ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган катта оилалар аъзоларига биргаликда ишлаб чиқариш воситаларига ва мол-мулкка эгалик қилиш хос бўлиб, оила ичида жамоатчилик тамойиллари устунлик қилган. Бундай оилалар уруғ, ҳудудий қўшничилик жамоаси ва қабила таркибига кирган.

Шунингдек, бронза даврининг сўнгги босқичида (мил. авв. VIII аср) Жанубий Оролбўйи жамоалари ичида қулдорлик муносабатларининг вужудга келиши ёки «қулдорлик тузумига ўтиш босқичи» тўғрисидаги ғоя (С.П. Толстов, М.А. Итина)<sup>43</sup> археологик маълумотлар асосида исботлаб берилмаган. Бронза даври Хоразм воҳасида ибтидоий жамият тарихининг сўнгги босқичларига оид уруғ-қабила тузумининг урф-одатлари ва ижтимоий бошқарув анъаналари устунлик қилган.

<sup>41</sup> Толстов С. П. Древний Хорезм. Опыт историко – археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. – С. 59-66; Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья // Тр. ХАЭЭ. – М., 1981. Т. XII. – С. 136.

<sup>42</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья (II- начало I тысячелетия до н.э.) // Тр. ХАЭЭ. Т. X. – М., 1977. – 181 с.

<sup>43</sup> Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 75; Итина М.А. Поселение Якке-Парсан 2 (раскопки 1958 – 1959 гг.) // МХЭ. – М., 1963. Вып. 6. – С. 129.

*Иккинчи бобнинг «Илк темир даври тарихининг қайта тиклаш хусусиятлари»* деб номланган учинчи қисмида мил. авв. VII-VI асрларга оид Қуйисой, илк саклар ва Кўзалиқир маданиятларининг ўрганилиши натижасида тарихий реконструкция масалалари очиб берилган.

Диссертацияда қадимги Хоразм тарихига оид мунозарали масалалар илк давлатчилик ва цивилизациянинг шаклланиши, хорасмийлар элатининг келиб чиқиши, воҳада пахса ва хом ғишт бинокорлик усуллари ҳамда ихтисослашган ҳунармандчилик соҳаларининг пайдо бўлиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва этномаданий жараёнларнинг талқин қилиниши ҳолатлари<sup>44</sup> кўрсатиб берилган.

XXI аср бошларида археология материалларини тарихий реконструкция жараёнларига кенг жалб этилиши натижасида қадимги Хоразм тарихига доир янгича илмий қарашлар ва ёндашувлар илгари сурилди. Аҳамонийлар даврига қадар ривож топган Хоразм подшолиги тўғрисидаги ғоя (И. Маркварт, В. Тарн, С.П. Толстов) ёки маркази Марв ва Ҳирот бўлган Хоразм сиёсий бирлашмаси – «Катта Хоразм» ҳақида назария (В.Б. Хеннинг, И. Гершевич) ўз исботини топмади. Хоразм воҳасида илк давлат кулдорлик шаклида вужудга келмаган. Қуйи Амударёнинг сўл соҳил ҳудудида давлатчилик тизимининг алоҳида воҳа-туманлар (Хазорасп, Кўзалиқир) пайдо бўлиши мил. авв. VII-VI асрлар чегарасига тўғри келиши аниқланган.

Тарихий жараённинг мазкур босқичи илк Хоразм цивилизациясининг шаклланишидан дарак бериб, бир қатор маданий, этник ва сиёсий омиллар билан белгиланган. Бироқ дастлаб воҳада майда давлатчилик ташкилоти вужудга келган.

Тадқиқотда тарихий реконструкция усули натижасида илк темир даври Хоразм воҳасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янги асосларда ривожланиши аниқланган. Шунингдек, мил. авв. VII-VI асрнинг биринчи ярмида этномаданий жараёнлар ва жамият манзараси очиб берилган.

Мазкур бобда Хоразм воҳасидаги археологик тадқиқотлар тарихида неолит, бронза ва илк темир даврига оид иқтисодий, ижтимоий ва этномаданий реконструкцияларнинг муҳимлиги уқтириб ўтилган. Улар натижасида илмий муомалага янгича қарашлар киритилган.

---

<sup>44</sup> Вайнберг Б.И. Куясайская культура раннежелезного века в Присарыкамьшской дельте Амударьи // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1975. – С. 43-48; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология (могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996. – С. 82; Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. – М.: ИВЛ, 1999. – С. 205-206, 350, рис. 16.; Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. – М., 1997. – №2. – С.150-173; Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: ИВЛ РАН, 1998. – С. 28-41; Ягодин В. Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” // Вестник ККО АНРУз. 2007. №1-2.С. 75-79; 70-78; Сагдуллаев А.С., Матякубов Х. К проблеме происхождения глинобитно-сырцово́й архитектуры в Хорезме // Вестник Национального университета Узбекистана, 2013. Специальный выпуск. – С. 59-64; Сагдуллаев А.С., Матякубов Х.Х. О некоторых дискуссионных проблемах истории древнего Хорезма // История культуры Узбекистана. – Ташкент, 2016. – С. 6-28; Кдирниязов М. -Ш., Ягодин В.Н., Мамбетуллаев М.М. ва бошқ. История цивилизации Хорезма. – Нукус: Qaraqalpaqstan, 2017. – С. 57-58.

Диссертациянинг «Қадимги Хоразм цивилизацияси тарихини ёритишда археологиянинг аҳамияти» деб номланган учинчи бобининг биринчи бандида Хоразм цивилизациясининг тарихий – маданий белгилари очиб берилган.

Тадқиқотда мазкур цивилизация илдизларининг келиб чиқиш шарт-шароитлари, унинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган.

Мил. авв. IV аср – милодий IV аср мобайнида Хоразм ҳудудида қадимги Ўрта Осиё цивилизацияси ютуқлари ва маҳаллий анъаналарининг қоришиб кетиши натижасида ўзига хос хусусиятларга эга маданият ривожланган. У шаҳарсозлик, бинокорлик услублари, мудофаа тизими, сарой ва ибодатхоналар меъморчилиги, қадимий ёзув ва тасвирий санъат намуналарида ўз аксини топган<sup>45</sup>.

